НОШИР ЛЮКС
МАЖБУРИЙ НУСХА

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@umail.uz

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 21-yanvar, seshanba, 08 (23.288)-son

Ҳар бир депутат маълум бир соҳага оид қонунни қабул қилишда шу соҳанинг мутахассиси сифатида фикр юритишга қодир бўлиши лозим. Чунки сизлар қабул қиладиган қонун ҳужжатлари миллионлаб одамларнинг, бутун халқимизнинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.
Ш.МИРЗИЁЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲАМДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ, қуйи палата Спикерини сайлаш учун Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши тузилди. Мазкур кенгаш таклифига биноан, депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нурдинжон Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади.

Шундан сўнг мажлисга раислик қилиш ваколати Спикерга ўтди. Нурдинжон Исмоилов мажлис котибиятига келиб тушган 5 та сиёсий партия фракцияси раҳбарлари томонидан фракциялар тузилгани тўғрисидаги таъсис баённоналарини ўқиб эшиттирди. Шунга асосан Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари рўйхатга олинди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Спикерининг янги таъсис этилган биринчи ўринбосари лавозимига депутат Акмал Саидовни, Спикернинг ўринбосарлари лавозимларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Актам Ҳаитовни, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодировни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Наримон Умаровни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятовни ва Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Борий Алихоновни сайладилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президент мамлакатимиз парламентининг юқори палатаси олдида турган масалалар ҳақида сўз юритар экан, Сенат ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликни, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги ишларни янада кучайтириши лозимлигини таъкидлади.

Мажлис иштирокчилари Олий Мажлис юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим қилди.

Юқори палата аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Танзила Норбоевани сайлади.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига яширин овоз бериш йўли билан Содиқ Сафоев, Сенат Раисининг ўринбосари лавозимларига Муса Ерниязов ва Зайниддин Низомхўжаев сайланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли мажлис иштирокчилари!

Аввало, сизларни халқимиз ишончига сазовор бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган юксак мақомга эга бўлганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар, **Ўзбекистонимиз учун катта сиёсий имтиҳон бўлди. Халқимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтди**, десак, муболаға бўлмайди.

Табиий савол туғилади, бу сайловларнинг асосий хусусиятлари аввало нималарда намоён бўлди?

Биринчидан, сайловлар халқимизнинг онгу тафаккури, сиёсий билими ва маданияти ўсиб, жамиятимизда демократик тамойиллар илдам қадамлар билан чуқур қарор топиб бораётганини яққол намоён этди. Ушбу сайловлар халқаро талаб ва стандартларга тўлиқ жавоб берадиган янги Сайлов кодекси асосида, **"Янги Ўзбекистон – янги сайловлар"** шиори остида ўтгани бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бизнинг амалиётимизда биринчи марта сайлов жараёнларини бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизим ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилди. Фуқароларнинг сайловда қатнашишига оид конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида озодликдан маҳрум этилган, бироқ оғир ва ўта оғир жиноят содир этмаган маҳкумларга илк бор овоз бериш имконияти яратилди.

Энг муҳими, сайловлар очиқлик, ошкоралик ва ҳалоллик тамойили асосида ҳамда кескин курашлар остида ўтказилди. Уларни 70 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчи ҳамда 10 та халқаро ташкилот, 50 га яқин хорижий давлатнинг 825 нафар кузатувчиси, халқаро ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 155 нафар вакили кузатиб борди.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Қизғин сиёсий курашлар остида ўтган сайловлар натижасида янги парламент қуйи палатаси депутатларининг таркиби шаклланди. Уларнинг 48 нафарини аёллар, 9 нафарини ёшлар ташкил этмоқда. Бу – ёш авлод ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ислоҳотларимиз самараси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг орангизда аввалги чақириқ парламентимизда самарали фаолият кўрсатган, халқ ўртасида танилган, сайловчилар яна бир бор ишонч билдирган тажрибали 39 нафар депутатимиз ҳам борлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Фурсатдан фойдаланиб, Қонунчилик палатасининг аввалги таркибида иш олиб борган, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим қонунлар қабул қилишга ҳисса қўшган барча депутатларимизга миннатдорчилик билдириб, уларга сиҳат-саломатлик, янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Бугун ушбу залда ўтирган сиз, муҳтарам депутатларнинг айримларини шахсан танийман. Кўпчилигингизни эса телевидение, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларингиз орқали яхши биламан. Сизлар парламентимиз ҳаётига албатта янги руҳ ва мазмун олиб кирасизлар, деб ишонаман.

Азиз дўстлар!

Маълумки, бўлиб ўтган сайловда бешта партиядан кўрсатилган номзодлар соғлом сиёсий рақобат муҳитида кураш олиб борди. Жонли телеэфирдаги дебатларда партиялар томонидан бошқа партиялар дастури жиддий таҳлил қилинди, очиқ танқидлар ҳам бўлди, долзарб масалалар бўйича қарама-қарши ёндашувлар илгари сурилди.

Ўзингиз айтинг, олдинги Парламент сайловларида мана шундай сиёсий жараённи – ютуқни ютуқ, камчиликни камчилик деб очиқ айта оладиган муҳитни тасаввур қила олармидик?

Айни вақтда, тан олиш керак, сайлов жараёнида партиялар томонидан чуқур асосланмаган айрим таклифлар ҳам билдирилди. Табиийки, улар фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди.

Депутатликка номзодларнинг жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларида, оммавий ахборот воситаларида билдирилган, ижтимоий аҳамиятга эга фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, кўтарилган савол ва муаммолар – буларнинг барчаси албатта эътиборга лойиқ. Улар парламент ва ҳукумат учун келгуси беш йиллик фаолият дастурига айланиши лозим.

Таъкидлаш керакки, бу сайловлар аҳолининг сиёсий фаоллигини юксалтириб, халқимизнинг партияларга нисбатан ишончи билан бирга, талабчанлигини ҳам кучайтирди. Бу, ўз навбатида, номзодлар савиясини ошириш ва сайловчилар билан тизимли иш олиб бориш бўйича партиялар олдида ечимини кутаётган бир қатор масалалар мавжудлигини кўрсатади.

Энг муҳими, **партиялар ўртасидаги сиёсий рақобат сохта обрў орттиришга эмас, балки халқимиз манфаатларига хизмат қилиши зарур.** Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

(Давоми 2-саҳифада).

Кеча вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан маданий тадбир ўтказилди.

Бобом орзу қилган кунлар

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобилов, таниқли публицист-ёзувчи Н.Раҳмат ва бошқалар маърифатпарвар бобомизнинг ҳаёт йўли, илмий-адабий мероси хусусида сўз юритди. Яқин келажакда Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги ижод мактаби ташкил этилиши, шаҳар марказида ҳайкали ўрнатилиши режалаштирилгани маълум қилинди.

- Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бобомнинг номи қайта тикланди, - дейди Шоҳруҳ Беҳбудий. – Ҳар йили унинг таваллуд топган куни арафасида вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган. Бу йилги тадбирлар ҳар йилгидан ўзгача, вилоят миқёсида ўтказилаётганлиги учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Бобом орзу қилган кунлар етиб келди. Биз бу кунларнинг қадрига етиб яшашимиз керак.

Тадбир қатнашчилари муассаса ҳовлисида ўрнатилган Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Самарқанд давлат университетида "Маҳмудхўжа Беҳбудий ва барҳаёт ғоялар" мавзусида адабий кеча ташкил этилди. Унда Беҳбудий ташаббуси билан ташкил этилган "Самарқанд" газетаси, "Ойна" журнали, яратилган дарсликлар, ноёб илмий ва бадиий асарлар халқни илм-маърифатга чорлаганлиги, унинг бой адабий мероси бугунги кунда ҳам ўсиб келаётган ёш авлод учун улкан тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Вилоят мусиқали драма театрида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси асосида саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

«Зарафшон» бонг уради

Ваъда қилинган уй қачон берилади?

Ёки бир муаммо ортидан 15 оила можароси ҳақида

Нодира ҳали болалигиданоқ зарбаларга дуч келди. Биринчи марта - ота-онаси уни бақиб олганини эшитганда. Тўғри, улардан ёмонлик кўрмаган, аммо Нодирани асраб олишгач, ота-онасининг ўз фарзандлари туғилади. Оиладаги бу қувончли ҳодиса вақт, йиллар ўтгани сайин афсуски, ўз қувончини йўқота бошлайди. Сабаби, баъзи сўзи билан дилга оғриқ беришдан тоймайдиганлар қизчанинг уларга ўгай эканлигини ошкор қилади, оиладаги ҳақиқий фарзандлар қулоғига ҳам опаси ўгай эканлиги етиб боради. Орада аллақандай ички келишмовчилик юзага келади, қиз яккаланиб қолади.

5-саҳифа » »

Кейинги бир ҳафтада ҳаво ҳарорати каби табиий газ босими ҳам пасайиб кетди, электр энергияси етказиб беришда тез-тез узилишлар кузатилмоқда.

1 тонна кўмир ўтин 1,5 2 миллион сўм

Вилоятимизда ҳам бундай масалалар билан коммунал хўжалик идораларига, ҳокимликларга мурожаат қилувчилар кўпайди. Ижтимоий тармоқларда ҳам асосий эътибордаги, муҳокамадаги мавзу шу: "Бу газга чой қайнамайди", "Икки ойлик гўдак совқотиб қолди", "Яна ўтин ва кўмирга ўтамизми?", "Кўп қаватли уйга печка қуриб бўлмаса, уйни қандай иситамиз", "Депутатлар нега жим?"...

Дарвоқе, депутатлар ҳақида. Кеча Самарқанд шаҳар кенгаши депутати билан бир тадбирда қатнашдик. Қўл телефонига тинимсиз қўнғироқ бўлавергани, у эса четга ўтиб узоқ вақт гаплашиб қолаверганидан кейин ким бунча безовта қилаётганини сўрадим.

– Икки кундан буён аҳвол шу – сайловчилар қўнғироқ қилиб, уйимизда газ босими пасайиб кетди, свет ўчяпти, сизни депутатликка сайлаганмиз, нега бунинг чорасини кўрмайсиз, деб сўрашяпти, – деб қолди.

– Ростдан ҳам нима чора кўряпсиз? – дедим мен ҳам қизиқиб.

– Нима қилардим, аҳолининг талабини мутасаддиларга айтдим, аммо фойдаси кам. Муаммолар бир-бири билан боғланиб кетган. Шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг аксариятида иситиш тизими ишламайди, иссиқ сув берилмайди. Оқибатда одамлар, хавфли бўлса-да, уйини газ плитасини ёқиб қўйиб ёки иситиш печлари орқали иситишга ҳаракат қилади.

Тасаввур қилинг, ҳар битта хонадонда газ плитасининг тўртта кўзи туну кун ёниб турса, газни етказиб бўладими, босим пасайиб кетади. Ҳамма хонадонга газ етиб бормайди. Кейин одамлар электр иситиш мосламаларидан фойдаланади. Бу ҳам ортиқча зўриқишни келтириб чиқаради, тармоқда авариялар кўпаяди. Охир оқибат газ ҳам, электр ҳам йўқолади. Бунақа пайтда одамларга буни тушунтириб бўлмайди, эшитишни ҳам исташмайди. Қандай бўлмасин, уйни иситиш керак. Ҳовлида яшайдиганлар ўтин, кўмир ёқиб, вазиятдан чиқишга ҳаракат қилади. Аммо кўп қаватли уйларда яшовчиларга қийин. Ўзим ҳам кўп қаватли уйда тураман, биласиз-ку...

4-саҳифа » »

ҚОНУНЛАР КУЧЛИ БЎЛГАН ЖОЙДА, ХАЛҚ ҲАМ КУЧЛИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маълумки, сайловолди ташвиқотларида сиёсий партиялар томонидан жамиятимиздаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича кўплаб ваъдалар берилди. Халқимиз ана шу ваъдаларнинг амалда бажарилишини кутмоқда.

Ҳар бир депутат беш йил давомида ўз сўзининг устидан тўлиқ чиқиши, партиясининг обрўсини сақлаши учун бугундан бошлаб жиддий ҳаракат бошлаши керак. Сизлар алоҳида "Йўл харитаси"ни тузиб, сайлов вақтида билдирган барча-барча ташаббусларингизни яхлит тизимга солиб, ишни пухта ташкил этсангиз, ўйлайманки, бу халқимизга ва сайловчиларингизга жуда маъқул бўлади.

Энди **"Янги Ўзбекистон – янги сайловлар – янги парламент"** деган устувор ғоя долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари ўзларининг истиқбол режаларини аниқ белгилаб олади ва уларни тўлиқ амалга оширади, деб ишонаман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Сайлов натижаларининг таҳлили сайлов кампанияси даврида айрим камчиликларга йўл қўйилганини ҳам кўрсатди. Масалан, Тошкент шаҳрида сайловчилар иштироки бошқа ҳудудларга нисбатан пастлиги кузатилди. Бу эса, кўпчилик йирик шаҳарлар аҳолисига хос тенденциядир. Айни вақтда мазкур ҳолат сиёсий партиялар сайловчилар билан етарли иш олиб бормаётгани, уларнинг ғоя ва дастурлари электорат онгига тўлиқ кириб бормаётганидан ҳам далолат беради.

Афсуски, бир киши томонидан бир неча сайловчи ўрнига овоз беришга уриниш ҳолатлари оз бўлса ҳам учради. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизими билан ишлашда ҳам камчиликлар кўзга ташланди.

Машҳур давлат ва сиёсат арбоби Теодор Рузвельт айтганидек, **"Фақат ҳеч қандай иш қилмайдиган одамгина хато қилмаслиги мумкин. Хато қилишдан қўрқиш керак эмас, балки ана шу хатони такрорлашдан қўрқиш керак"**.

Шунинг учун янги сайланган депутатларимиз ҳозиргина зикр этилган муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш устида ҳозирдан бошлаб жиддий ўйлашлари лозим. Бу, бир томондан, улар аъзо бўлган сиёсий партияларнинг фаолиятини кучайтиришга, иккинчи томондан эса, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Албатта, сайлов жараёнидаги ҳар бир қонунбузиш ҳолати бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан тегишли чоралар кўрилди ва кўрилади. Айни вақтда миллий сайлов тизимимизни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш бўйича ҳам зарур ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганиб, жорий йилда халқаро экспертлар иштирокида форум ўтказиш ҳақидаги таклифини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Шу билан бирга, парламент аъзолари ҳам бу жараёнда фаол қатнашиб, миллий сайлов тизимимизни янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллий ва хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳар йили мунтазам равишда турли форумлар ўтказиб борса, ўйлайманки, бундан ишимизга фақат фойда бўлади.

Халқаро кузатувчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар таҳлили ҳам сайлов комиссияси аъзолари ва сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Ана шундай таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, **Аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш концепциясини** ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблайман. Шунингдек, хорижий кузатувчилар томонидан баён этилган сайловни молиялаштириш манбаларини кенгайтиришга доир тавсия бўйича парламент ўз муносабатини билдириши лозим.

Парламентга мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича комиссия тузиб, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни тавсия этаман. Мазкур комиссия халқаро ташкилотлар ва кузатувчиларнинг таклиф ва тавсияларини чуқур ўрганиб, миллий қонунчилигимиз ҳамда сайлов жараёнини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифаларни ишлаб чиқиши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ва Марказий сайлов комиссиясига сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тизимининг самарали ишлаши учун зарур чораларни кўриш топширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сайловларда иштирок этган барча сайловчиларга, сайлов участкалари ва округлари аъзоларига, ноёб тизим – маҳаллалар фаолларига, эртанги кунга бефарқ бўлмаган фуқароларимизга, бутун халқимизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман. Шунингдек, халқаро кузатувчилар, маҳаллий ва хорижий журналистларга ҳам самимий ташаккур изҳор этаман.

Муҳтарам халқ вакиллари!

Мана, ҳозиргина Сиёсий партиялар вакиллари кенгашининг таклифига асосан Қонунчилик палатасининг янги Спикери лавозимига депутат Нурдинжон Муйдинхонович Исмоилов сайланди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу раҳбар кўп йиллар давомида қонун ижодкорлиги соҳасида ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида фаолият кўрсатган. Етарли иш ва ҳаёт тажрибасига эга. У киши миллий парламентимиз тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб унинг ривожига катта ҳисса қўшган раҳбарлардан ҳисобланади.

Спикернинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, у давлат ва халқ манфаатларини таъминлаш йўлида ўзининг бор билими ва тажрибаси, куч-ғайратини сафарбар этиб келаётганини кўрамиз.

Шунингдек, бугун Қонунчилик палатаси Спикерининг янги таъсис этилган биринчи ўринбосари лавозимига депутат Акмал Холматович Саидов сайланди. Қонунчилик палатасида бу янги лавозимни таъсис этиш ҳақидаги қарор ўз вақтида ва тўғри қабул қилинган деб ҳисоблайман.

Айни вақтда янги парламент институти бўлмиш Спикернинг биринчи ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Авваламбор, биринчи ўринбосар Қонунчилик палатасининг халқаро парламентлараро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш, хорижий давлатлар билан парламентлараро гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришга кўмаклашиш, парламентлараро дипломатияни амалга оширишга масъул бўлиши керак.

Маълумки, Конституцияга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг энг муҳим ваколатларидан бири – бу халқаро шартномаларни ратификация ёки денонсация қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ҳукумат томонидан изчил бажарилишини назорат қилиш ҳам Спикер биринчи ўринбосарининг асосий вазифаси бўлиши керак.

Масалан, Қонунчилик палатаси бундан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозим.

Яна бир муҳим масала – Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 70 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилган. Шу йўналишда БМТнинг устав органларида Ҳукуматимиз мунтазам равишда миллий ҳисоботлар бериб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳам қуйи палатанинг диққат марказида бўлиши керак.

Бугунги кунда жаҳон парламентаризмида илғор тажриба бўлмиш, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш амалиёти халқаро даражада эътироф этилаётгани сизларга яхши маълум. Шу боис, Спикернинг биринчи ўринбосари томонидан ушбу номдаги Парламент комиссияси фаолиятининг изчил мувофиқлаштириб борилиши муҳим, деб ҳисоблайман.

Хабарингиз бор, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилган. Бу институт қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни муҳокама қилишда, қабул қилинган қонунлар моҳиятини жамоатчиликка етказишда парламент аъзоларига ҳақиқий ёрдамчи бўлиши лозим.

Қонун ижодкорлиги фаолиятига илмий-инновацион омилни кенг жорий этиш ҳам бундан кейин палатанинг муҳим вазифаси бўлиб қолиши керак.

Спикернинг биринчи ўринбосари лавозимига сайланган Акмал Холматович Саидовни нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик вакиллари ҳам қонунчилик соҳасида кўзга кўринган, узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган йирик мутахассис сифатида яхши билишади. У мазкур лавозимда ўзининг бой билими, кенг дунёқараши, профессионал малакаси, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини Ватанимиз равнақига сафарбар этади, деган умиддаман.

Спикернинг биринчи ўринбосари партиявийликдан холи равишда умумдавлат, умумхалқ манфаатлари йўлида иш олиб бориши лозим.

Шу билан бирга, бугун Спикер ўринбосарлари этиб сайланган барча партиялар фракциялари раҳбарларини ҳам самимий қутлашга ижозат этгайсизлар.

Бир сўз билан айтганда, бугун Қонунчилик палатаси депутатлари ўзларининг муносиб раҳбарларига эга бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Халқ вакилларини жонажон Ўзбекистонимизни тараққий эттиришдек улуғ мақсад йўлида бирлаштириб, парламент фаолиятини янги босқичга кўтаришда уларга ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Барчамизга яхши аёнки, депутатлик – бу одамдан жуда катта интеллектуал салоҳият, тинимсиз меҳнат, изланиш ва масъулият талаб қиладиган фаолиятдир. Ўзим ҳам кўп йиллар депутат бўлиб ишлаганман, бу вазифанинг қанчалик оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли иш эканини яхши биламан.

Депутат, аввало, ҳамиша халқ дарди билан яшаши, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун фидойилик кўрсатиб бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Депутатнинг қалби, виждони уйғоқ бўлса, вазирлар ҳам, ҳукумат ҳам, парламент ҳам уйғоқ бўлади, бутун жамиятимиз уйғоқ бўлади.

Бугун биз ҳамма соҳада изланиш ва ўрганишдамиз. Изланиб яшаётган, ўз мақсади сари изчил бораётган инсон ва жамият албатта ижобий натижа ҳамда ютуқларга эриша олади.

Ҳозирги кунда – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этишимиз керак. Бу борада айниқса қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, қуйи палата ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар маконига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам "демократия мактаби"га айланиши зарур.

Ўтган беш йил давомида палата фаолияти сезиларли даражада жонланиб, 540 та қонун ёки 2010-2014 йилларга нисбатан 2 баробар кўп қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Агар 2015 йилда қабул қилинган қонунларнинг бор-йўғи 11 тасини яхлит ва янги қонунлар ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 3 баробар ошиб, 35 тага етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир соҳага тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган бир нечта қонунлар ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топмоқда. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Сайлов кодекси каби муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Шунингдек, ўтган икки йилда тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилишни бошладик. Масалан, "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги, "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунларда ҳавола шаклидаги нормалар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган қоидалар белгиланди.

Айни вақтда ҳаётнинг ўзи, Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти бу борадаги фаолиятимизни янги сифат босқичига олиб чиқишни талаб этмоқда. Жаҳондаги илғор тажрибалар асосида партиялар ўз сиёсий манфаатлари, ўз электорати манфаатларини ифода этадиган қонунларни қабул қилиш учун парламентда қизғин баҳс олиб боришлари керак. Бунинг учун парламентда кўпчиликни ташкил этадиган партия ва унга мухолифатда бўлган партиялар ўртасида соғлом рақобат бўлиши лозим.

Албатта, Қонунчилик палатасида ҳам фракция ўзини мухолифат деб эълон қилиши мумкин. Бу фракция қонун биринчи ўқишда кўриб чиқилгунга қадар мазкур масала бўйича қонуннинг муқобил таҳририни киритиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Лекин, тан олишимиз керакки, бу институт шу пайтгача самарали ишлагани йўқ.

Албатта, сиз, ҳурматли депутатлар ташаббус кўрсатиш учун ўз устингизда мунтазам ишлашингиз, ҳар бир соҳа бўйича қабул қилинган қарорда халқ манфаатлари йўлида мустаҳкам замин яратишингиз керак. Сайловчилар сизлардан ташаббус кўрсатиб, ўз муқобил фикрингизни, қатъий сиёсий иродангизни намоён этишингизни кутмоқда. Чунки ҳақиқат баҳс ва тортишувларда туғилади, деган гапда чуқур ҳаётий маъно бор.

Албатта, ҳар бир депутат маълум бир соҳага оид қонунни қабул қилишда шу соҳанинг мутахассиси сифатида фикр юритишга қодир бўлиши лозим. Чунки сизлар қабул қиладиган қонун ҳужжатлари миллионлаб одамларнинг, бутун халқимизнинг ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Лекин бу таъсир ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун халқ ишончини қозонган депутатнинг хато қилишга, ўз зиммасидаги юксак масъулиятни унутишга сира ҳаққи йўқ.

Иккинчидан, депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустаҳкам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилар ишончини оқлай олади.

Ўтган чақириқда қуйи палатага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича жойларда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Шундан сўнг 400 дан зиёд қонун лойиҳасидаги мингга яқин қоидалар фуқароларимиз билдирган таклифлар асосида такомиллаштирилди. Мисол учун, "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Депутатлар қонунларни **"номигагина кўриб чиқиб, бир овоздан маъқуллаш"** деган эски амалиётдан воз кечиб, уларни жиддий ва батафсил муҳокама қилишни ўрганмоқда. Аҳоли томонидан билдирилган фикрлар, танқидий мулоҳазалар инобатга олиниб, 16 та қонун лойиҳаси рад этилди ва ташаббускор идорага қайтарилди. Ҳолбуки, 2010-2014 йилларда бирорта ҳам қонун лойиҳаси қайтарилмаган эди.

Сиз, ҳурматли депутатлар, қонун лойиҳаларини биринчи навбатда халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб, уларни танқидий кўриб чиқиш борасидаги ишларни кучайтиришингизга ишонаман.

Қуйи палата аъзолари шу пайтгача қонун лойиҳасининг концептуал масалаларидан ташқари уларнинг Конституция ва амалдаги қонунларга, қонунчилик техникасига мослигини таъминлаш билан ҳам шуғулланиб келган. Аслида депутатлар сифатсиз лойиҳаларни маромига етказиш билан банд бўлмасдан, асосий эътиборни қонунлар халқ манфаатини қанчалик ифода этишига қаратиши керак.

Шу ўринда қадимги Римнинг машҳур шоири Публилий Сирнинг бир фикрини эслаш жоиз деб биламан. **"Қонунлар кучли бўлган жойда, халқ ҳам кучлидир"**, деб ёзган эди у.

Дарҳақиқат, халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт.

Ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи, ижроси бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, албатта, ҳаётда ўзгариш бўлиши керак.

Айни вақтда масаланинг иккинчи томонини ҳам ўйлаш керак, яъни парламентга сифатсиз қонун лойиҳаларини киритгани учун аввало ташаббускор идоралар ва Адлия вазирлигининг роли ҳамда масъулиятини ошириш зарур. Агар ташаббускор идора қонун лойиҳасининг аҳамиятини депутатлар олдида асослаб бера олмаса, Қонунчилик палатаси лойиҳани кўриб чиқишни рад этиши лозим, деб ҳисоблайман.

Учинчидан, қуйи палата депутатлари ташаббуси асосида ишлаб чиқиладиган қонунларнинг салмоғини ошириш лозим.

2015-2019 йилларда депутатларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши сон жиҳатидан ошганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2010-2014 йилларда 37 та қонун лойиҳаси депутатлар томонидан муҳокамага киритилган бўлса, ўтган чақириқда бу кўрсаткич 2,5 баробар ошиб, 88 тага етди. Бироқ, бундай қонун лойиҳаларининг салмоғи қуйи палатага киритилаётган лойиҳаларнинг умумий сонига нисбатан ҳануз пастлигача қолмоқда, яъни 16-17 фоиздан ошмаяпти. Шу сабабли депутатларимизни ўз сайловчиларининг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил қилган ҳолда янада ташаббускор бўлишга чақираман.

Тўртинчидан, ҳурматли халқ вакиллари қонунларни қабул қилишда уларнинг келгусида ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни ҳам кўриши лозим.

Қонунларда белгиланган айрим қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилинмаслиги – уларнинг амалда "ишламай қолиши"га, бу эса, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун кучга киргани га бир йилдан ошган бўлса-да, унинг амалда қўлланиши кўплаб саволларни юзага келтирмоқда.

Шунинг учун қонунларни қабул қилиш жараёнида улар билан боғлиқ барча қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш – палатанинг беш йил давомидаги асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим. Шундагина биз **"қонунни қабул қилиш билан парламентнинг иши якунланди"**, деган эскича қарашдан воз кечамиз.

Бундан ташқари, бирон-бир қонун лойиҳасини қабул қилишда ташаббускор бўлган парламент фракцияси шу қонунни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қонунчилик палатаси йил якунига кўра жорий йилда қабул қилинган ҳар қайси қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини, қайси қонун аҳолига наф келтираётганини, қайси қонун эса ишламай турганини аниқ таҳлил қилиши ва тегишли хулосалар чиқариши лозим. Бу эса электорат билан таъсирчан мулоқотни йўлга қўйишга ва парламентимиз фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, халқаро рейтинглардаги ўрнимизни яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиётини кенг жорий этиш лозим. Чунки, халқаро шартномалар ва рейтинглар мазмунида хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ўз аксини топган.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, қонун ижодкорлиги фаолияти **"қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт"** деган устувор тамойилга асосланиши керак.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Қуйи палатанинг парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолиятида ҳам ўз ечимини кутаётган қатор масалалар мавжуд.

Биринчи. Янги депутатлар таъсирчан парламент назоратини олиб бориш орқали халқ ишончини оқлаши зарур.

Ўтган даврда парламент назоратининг янги шакл ва механизмлари ҳаётимизга кириб келди. Жумладан, Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш тартиби – "Ҳукумат соати" институти жорий этилди. Сўнгги 2 йилда 14 марта "Ҳукумат соати" ўтказилиб, уларда 17 та вазирлик ва давлат қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни қуйи палата мажлисида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Бироқ бундай ишларимиздан сайловчиларимиз тўлиқ рози, деб айтишга ҳали эрта.

Ҳеч кимга сир эмас, айрим мансабдор шахслар номаъқул хатти-ҳаракатлари билан жамиятда қизғин муҳокамаларга, айрим ҳолларда эса кескин норозиликка сабаб бўлмоқда. Ана шундай вазиятларда депутатларнинг бир чеккада томошабин бўлиб туришини бундан кейин халқимиз асло қабул қила олмайди. Ахир, фуқаролар ўз вакилларини халқ фикрини ифода этиш ва улар манфаатларини ҳимоя қилиши учун сайлаган-ку!

(Давоми 3-саҳифада).

ПАРЛАМЕНТ ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎЗГУСИ БЎЛИШИ ЗАРУР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-2-саҳифаларда).

Эл-юртимиз депутатлар тимсолида қонун ва ахлоқ-одоб мезонларини бузган мансабдорларга қарши тура оладиган талабчан курашчини, халқ дардини қўрқмасдан кўтариб чиқадиган ўз ҳимоячиси, ўз вакилини кўришни истайди.

Бу борада дастлабки қадамлар ташланмоқда. Расул Кушербаев, Шуҳрат Полвонов, Алишер Ҳамроев каби ёш ва жонкуяр депутатлар фаолияти сайловчиларга манзур бўлмоқда. Масалан, автомототранспорт воситаларида кундуз куни чироқ ёқиб юриш бўйича қабул қилинган қарор депутатлар ташаббуси билан ўзгартирилди.

Биз бундай ҳолатларни фақат ижобий баҳолашимиз керак. Шу тариқа биз таъсирчан парламент орқали самарали ижро ҳокимияти фаолиятини йўлга қўйишга эришамиз. Шу сабабли халқ орасида мунозарага сабаб бўлаётган муаммолар юзасидан масъул раҳбарларнинг парламент ва маҳаллий Кенгашларга тушунтириш бериш тартибини йўлга қўйиш керак.

Парламент назорати натижаларидан аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Шу муносабат билан палата мажлисларини, ҳар бир тадбир ҳақидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайтларда, ижтимоий тармоқларда кенг ва тизимли ёритишни кучайтириш керак. Бундай амалиёт парламент фаолиятида нафақат очиқликни таъминлашга, балки барча давлат идоралари масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Иккинчи. Палатанинг қўмиталари ва бошқа таркибий тузилмалари назорат-таҳлил ишларини кучайтириши лозим.

Парламент фаолиятининг роли ва амалий таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўтган чақириқда қатор янги таркибий тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси энди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ислоҳ этиш ва суд мустақиллигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга бош-қош бўлиши керак. Ушбу қўмита давлат идораларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятига баҳо бериб, раҳбарларнинг жавобгарлиги масаласини Ҳукумат олдига қўйса, ўйлайманки, жуда ўринли бўлади.

Фуқаролар соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси жойларда тиббиёт соҳасидаги ишлар аҳволини ўрганишга масъул этиб белгиланган. Умуман, Қонунчилик палатасига соғлиқни сақлаш тизимини назорат қилиш ишониб топширилган эди.

Афсуски, палатанинг бу борада олиб бораётган ишлари ҳали биз кутган натижани бермаяпти ва бундай ҳолат мени жиддий ташвишга солмоқда.

Нега деганда, соғлиқни сақлаш тизимида ҳозирда ҳам ўз ечимини топмаган муаммолар жуда кўп. Мисол учун, соҳада давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, биронта лойиҳа ишга туширилмаган. Шунингдек, онкологик, эндокринологик ва юрак-қон томир тизими касалликларини даволаш бўйича ишларнинг аҳволи талаб даражасида эмас.

Энг ачинарлиси, айрим тиббиёт масканларининг ўзи инфекция тарқалиш манбаи бўлиб қолмоқда. Хусусан, 2019 йилда шифохоналарда инфекция тарқалиши билан боғлиқ мингга яқин ҳолат қайд этилган.

Соҳадаги мавжуд аҳволнинг назорати қуйи палатага юклатилганини инобатга олиб, Спикер ва масъул қўмита парламент назоратини тизимли йўлга қўйиши, керак бўлса, уни ҳар бир тиббиёт муассасаси бўйича амалга ошириши лозим. Ана шу ўта муҳим масалада, яъни тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун қандай қонуний чоралар кўриш, одамларни рози қилиш бўйича чинакам ташаббус ва қатъият кўрсатилса, тарихда қоладиган иш бўлур эди.

Қуйи палатада Давлат бюджети бошқармасининг ташкил этилгани бюджетни шакллантириш ва ижроси устидан самарали назорат ўрнатишга хизмат қилмоқда. Масалан, ўзини ўзи молиялаштириш тартибига ўтган олий таълим муассасалари учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга туширилди ва уларнинг ихтиёрида 47 миллиард сўм маблағ қолдирилди. Албатта, бу – парламент назоратини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг дастлабки ижобий натижаси, холос.

Парламентимизнинг бу борадаги фаолиятини кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Кейинги пайтда ҳудуд ва минтақаларимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида давлат томонидан катта ҳажмдаги маблағлар йўналтирилмоқда. Лекин бу маблағларнинг тўғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш борасида, авваламбор, шу ҳудудлардан сайланган депутатларимизнинг иштироки деярли сезилмаяпти. Ҳолбуки, жойларда ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланиш, уларни талон-тарож қилиш, коррупция ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Халқ вакиллари ўз ваколатига асосланиб, таъсирчан назорат ўрнатса, уларнинг ҳам, Қонунчилик палатасининг ҳам обрў-эътибори ортади. Энг муҳими, бундан эл-юртимизга амалий фойда бўлади.

Бюджетдан сарфланадиган ҳар бир сўм учун Молия вазирлиги халқ вакиллари олдида ҳисобот бериши, барча идоралар давлат маблағининг аниқ мақсадлар учун ишлатилиши бўйича парламентдан ҳайиқиб туриши лозим. Шунда тартиб бўлади, шунда ҳамма депутат билан ҳисоблашадиган бўлади. Палата бу масалада қатъият кўрсатиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилади, деб ишонаман.

Умуман олганда, ҳар бир қўмита чорак иш режаси асосида ўз фаолият йўналишидаги давлат идоралари олдига конкрет вазифаларни қўйиб, улардан қонун ва қарорлар ижроси бўйича аниқ сўров қилишига эришмоғимиз зарур.

Учинчи. Парламент ва депутат сўровининг таъсирчанлигини ошириш чораларини кўриш керак.

Ўтган чақириқда давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги мансабдор шахсларга 28 та ёки 2010-2014 йилларга нисбатан 7 баробар кўп парламент сўрови юборилди.

Парламент ва депутат сўровини кўриб чиқмаганлик ёки кўриб чиқиш муддатини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Шунга қарамасдан, афсуски, айрим ҳолларда депутат сўровига раҳбарнинг ўзи эмас, балки унинг ўринбосари, ҳатто бошқарма бошлиқлари жавоб қайтармоқда.

Ўзингиз айтинг, қани бу масалада халқ вакилининг обрўси? Парламентга ва депутатга бўлган ҳурмат шуми? Бундай салбий ҳолатларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли **парламент ва депутат сўровига вазирлик ва идоралар биринчи раҳбарларининг шахсан ўзлари жавоб бериши шартлигини қонунда белгилашни таклиф қиламан.**

Тўртинчи. Сайловчи ва депутатнинг ўзаро муносабатларига ахборот технологияларини кенг жорий этадиган вақт келди. Жумладан, парламент ва депутат сўровларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш зарур.

Ўтган чақириқда турли масалалар юзасидан 856 та депутат сўрови юборилган. Лекин сўровларда сайловчилар манфаати қанчалик ўз аксини топди, уларнинг нечтаси фуқаролар ташаббуси асосида шакллантирилди, деган саволлар мени ўйлантирмоқда. Шунинг учун жамоавий мурожаатлар асосида Интернет тармоғи воситасида парламент ва депутат сўровини шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Бу орқали биз аҳолини қийнаётган масалаларнинг парламентда кўриб чиқилишига эришамиз.

2019 йилда депутатлар томонидан 8 мингдан ортиқ хонадон, 3 мингдан зиёд ижтимоий соҳа ва 2 мингга яқин ишлаб чиқариш объектига борилиб, қарийб 150 минг фуқаро билан мулоқот ўтказилди. Одамларни ташвишга солаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида депутатлар ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўз сайлов округида бўлишига доир тартиб йўлга қўйилди. Албатта, бу ишларни тизимли равишда давом эттириш керак.

Айни вақтда савол туғилади – ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги кунда сайловчи ўзининг вакилига мурожаат қилиши учун унинг округга бевосита келишини кутиб ўтириши шартми? Шу сабабли **халқ билан мулоқот тизимини мутлақо янги босқичга олиб чиқиб, депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш имкониятини берадиган электрон портал ва мобиль иловаларни ишга туширириш лозим.** Токи ана шу тизим орқали сайловчи депутатнинг кундалик ишини кузатиб бориш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва улар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлсин. Яъни депутат фаолиятига унинг сайловчилари бевосита баҳо берсин. **Ана шундагина фуқаро ва парламент ўртасида халқимиз биздан кутаётган ҳақиқий кўприк пайдо бўлади.**

Бешинчи. Парламент фаолиятига аҳолини кенг жалб этиш мақсадида "Менинг фикрим" веб-портали ишини такомиллаштириш даркор.

Маълумки, биз бу портални давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларда халқ фикрини атрофлича ўрганиш ва фуқаролар ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этган эдик. Лекин ҳозирги кунда халқдан тушаётган таклифларни чуқур ўрганиш ва уларни муҳокама қилиш ишлари самарали йўлга қўйилганми?

Бу саволни ўртага қўяётганимиз бежиз эмас. Чунки, ҳозирги кунга қадар тушган таклифларнинг атиги 11 таси кенг муҳокамадан ўтказилиб, улар бўйича палатанинг қарорлари қабул қилинган.

Умуман олганда, жамият ҳаёти учун долзарб муаммолар кўтариладиган бўлса, уларни кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилишнинг муқобил усулларини амалиётга киритиш зарур.

Бу борада "Менинг фикрим" веб-порталига тушаётган мурожаатларни телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида депутатлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Яна бир муҳим масала шуки, Қонунчилик палатасининг халқаро парламентлараро ташкилотлардаги иштирокини фаоллаштириш лозим.

Бугунги кунда қуйи палатанинг халқаро алоқалари кенгайиб бораётгани ҳаммамизга яхши маълум. Масалан, 2015 йилда палатада хорижий давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик бўйича 9 та парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи фаолият кўрсатган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 28 тага етди, шундан 24 та гуруҳ Сенат билан биргаликда тузилгани эътиборга молик. Халқаро муносабатлардаги самарали фаолият натижасида ўтган даврда парламентда 248 та чет эл делегацияси қабул қилинди.

Миллий парламентимиз қисқа муддатда кўплаб нуфузли халқаро парламентлараро бирлашмаларнинг фаол иштирокчисига айланди. Парламентлараро иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламентлараро ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Парламентлараро ассамблеяси шулар жумласидан бўлиб, бизнинг депутатларимиз ҳам мазкур нуфузли ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимларига сайландилар.

Халқаро парламентлараро алоқаларни тизимли равишда ривожлантириб бориш бундан кейин ҳам депутатларнинг доимий эътибор марказида бўлиши зарур.

Яна бир жиҳатга алоҳида эътиборингизни қаратишни истар эдим. Афсуски, партияларимиз ўз сиёсий мақсад ва дастурларини илгари суриш ва сафларини кенгайтириш ҳақида фақат сайлов арафасидагина эслаб қоладилар. Асосан шу даврда улар ўз аъзолари билан ишлаб, уларнинг сонини кўпайтиришга интиладилар. Бундай ёндашув, вақтинчалик ва расмиятчилик учун қилинадиган ишлар қанчалик тўғри? Бу албатта нотўғри.

Аслида сиёсий партиялар ўз аъзолари сонини кўпайтириш устида доимий ишлаши, ўз дастурларини ҳамиша такомиллаштириб, ундаги мақсад ва ғояларни кундалик ҳаётга татбиқ этиб бориши керак эмасми? Шундагина партияларнинг жамиятдаги ва ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири мустаҳкам бўлади. Шунинг учун сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари раҳбарлари ўз фаолиятини жонлантириши, электорат ичига чуқур ва тизимли равишда кириб бориши лозим.

Янги сайланган Спикернинг биринчи ўринбосари, катта тажрибага эга ҳуқуқшунос олим сифатида ҳам, сиёсий партиялар ва фракцияларга ўз фаолиятини такомиллаштиришида доимий амалий кўмак ва тавсиялар бериб бориши зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиёт йўлидан жадал илгарилаб бормоқда. Ўтган уч йил давомида амалга оширган ислоҳотларимиз ўзининг дастлабки мевасини бера бошлади. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонга қизиқиш ва эътибор, мамлакатимизнинг куч ва имкониятларига, унинг келажагига бўлган ишонч тобора ортиб бормоқда. Бу эса тараққиётнинг янги босқичига чиқиш, кўзлаган мақсадларимизга етиш учун мустаҳкам замин яратмоқда, десак, адашмаган бўламиз.

Ана шундай улкан имкониятларни қўлдан бермасдан, йўлимиздан оғишмасдан, янада қатъий илгарилаб борсак, эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Бу йўлда Қонунчилик палатаси, ҳурматли депутатларимиз етакчи куч бўлиб майдонга чиқишлари керак.

Халқимизнинг энг сара вакиллари сифатида сизлар бунинг учун етарли салоҳият ва шароитларга эгасизлар. Умуман олганда, **депутатларимиз ўзининг юриш-туриши, маданияти, одоби ва этикаси билан барчага ибрат ва намуна бўлиши лозим.** Спикер ва унинг ўринбосарлари бу муҳим масалани ўзининг алоҳида назоратига олиши шарт.

Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда депутатларнинг малакасини доимий ошириб бориш юзасидан янгича тизим – депутатлик ўқувларини жорий этишни таклиф қиламан.

Эл-юртимиз сизларга ҳақли равишда катта умид ва ишонч билан қарамоқда. **"Парламент халқ иродасининг ҳақиқий кўзгуси бўлиши зарур"** деган улуғвор ғояни амалда намоён этишингизни кутмоқда. Ана шундай ишонч, ҳурмат ва эътиборга муносиб бўлиш – бу жуда катта бахт. Бағрикенг, меҳнаткаш ва олижаноб халқимизнинг ана шу ишончини ҳар биримиз ўз жойимизда амалий ишлар билан оқлашимиз керак. Бу бизнинг нафақат фуқаролик, балки, энг аввало, она Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Ишонаманки, янги парламент таркибида ўз фаолиятини бошлаётган барча ҳурматли депутатларимиз ана шу талабни чуқур англаб, самарали фаолият олиб борадилар.

Сизларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланганингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, фаолиятингизда ютуқ ва омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Бош архитекторга маъмурий чора кўриладими?

Самарқанд тумани ҳокими ўринбосари ва туман ИИБ бошлиғига-чи?

Кейинги вақтда аҳолига ўзларини қийнаб келаётган муаммолари ёки ўйлантираётган масалалари бўйича тегишли органлар ёки раҳбарларга мурожаат қилиш учун кенг имконият яратиб берилмоқда. Хусусан, айни пайтда бирор ишни битириш учун уйдан чиқмасдан, тегишли давлат идорасига мурожаат йўллаш мумкин.

Айтиш мумкинки, бу борада вилоят ҳокими ҳудуднинг биринчи раҳбари сифатида бошқаларга ибрат бўлиб келяпти. Жойларда ўтказилаётган сайёр қабулларда ҳар бир мурожаат тингланиб, кўтарилаётган муаммо ёки масаланинг ечими топилмоқда. Бундан ташқари, қабулга келиш имкони бўлмаганлар вилоят ҳокимининг телеграм мессенжерига ўз мурожаатини йўллашлари мумкин. Мурожаат тегишли тартибда масъулларга ва ижрочиларга етказилиб, ижроси назоратга олинмоқда.

Аммо уларнинг барчаси ҳам қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиляптими? Мурожаатчилар кўтарган масала ёхуд уларни ўйлантираётган муаммо ҳал этиляптими?

Муҳими, бу борада ҳам вилоят ҳокимлигида қатъий тартиб ўрнатилган. Белгиланган режа асосида мурожаатларнинг ўрганилиш ҳолати муҳокама қилиб борилмоқда. Ўтган ҳафта (16 январь) бўлиб ўтган ана шундай муҳокама давомида айрим раҳбарларга кескин чоралар кўрилди. Нега?

Самарқанд шаҳри, Мустақиллик кўчаси 11-уйда истиқомат қилаётган Ҳаёт Муроджонова сайёр қабулда вилоят ҳокимига ноқонуний бузилаётган уй-жойи тўғрисида мурожаат қилган. Жойига чиқиб ўрганишни талаб қиладиган ушбу масала вилоят бош архитектори Б.Элмуродовга юклатилган. Бироқ 2019 йилнинг декабрь ойида қилинган мурожаат ўтган давр мобайнида кўриб чиқилмаган.

Бундан ташқари, Б.Элмуродов тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун ер майдони ёки бўш бино ажратиб беришни сўраган фуқаронинг ҳам мурожаатини белгиланган муддатда кўриб чиқмаган. Ваҳоланки, вилоят ҳокимининг телеграм мессенжерига йўлланган мурожаат 2019 йил 26 декабрда рўйхатга олинган ва вилоят бош архитекторига йўналтирилган.

Вилоят бош архитектори Б.Элмуродовнинг берилган топшириқларни бажармасдан ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги масаласини ўрганиб чиқиш вилоят прокуратурасига топширилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Самарқанд туманида мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилаётганини танқид қилди. Жумладан, туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ш.Жумаев ва туман ички ишлар бўлими бошлиғи А.Тошев "Очиқ мулоқот" кўрсатуви орқали йўлланган мурожаатларни ўз вақтида бажармаган.

Бу ҳолатга қонуний баҳо бериш Самарқанд тумани прокурорига юкланди.

Бундан ташқари, вилоят прокурори ўринбосарига жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинган мурожаатлар ижроси кечиктирилиб бажарилиши ҳолати бўйича "Ўзтелеком" акциядорлик компанияси вилоят филиали бошлиғи Х.Равшанов, вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари У.Мамарасуловларни расман огоҳлантириш тавсия этилди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, вилоят ҳокимининг сайёр қабули, телеграм мессенжери, вилоят ҳокимлигининг ишонч телефони, вилоят телевидениесининг "Очиқ мулоқот" кўрсатувига жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган мурожаатлар ижроси бўйича бошқарма бошлиқлари ва туман, шаҳар ҳокимларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Ё.ГАДОЕВ.

КУН МАВЗУСИ

Солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини ташкил этади. Шу боис, юртимизда солиқ сиёсатининг шаффоф ва адолатли юритилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, вилоятимизда 2019 йилда солиқ базаси кенгайди. Натижада бюджет тўловлари 2018 йилга нисбатан 157,2 фоизга ўсди. 2020 йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг амалга киритилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 71 боб (аввалгиси 64 боб эди) 480 моддадан (аввалгисида 392 модда эди) иборат. Мазкур кодекс ҳаволаки нормалар, қонуности ҳужжатларни камайтирган ҳолда бевосита амал қиладиган ҳужжат сифатида қабул қилинган.

Солиқ органларининг устувор вазифалари сифатида солиқ тўловчилар билан ҳамкорлик асосида иш юритиш принципи киритилди. Яъни солиқ органлари солиқ тўловчилар билан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғри бажариш мақсадида ҳамкорлик қилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

2020 ЙИЛДА ким, қанча солиқ тўлайди?

ШУ ПАЙТГАЧА АМАЛДА БЎЛГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕКОР БЎЛАДИМИ?

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг эътиборли жиҳатларидан бири эски кодексда кўзда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар 2020 йил 1 апрелгача амалда бўлади. Янги кодекс амалга киритилгунга қадар қабул қилинган солиқ қонунчилигига оид ҳамда Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан назарда тутилган имтиёзлардан уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар фойдаланиш мумкинлиги белгиланди. Шунингдек, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови ўрнига ижтимоий солиқ, айланмадан солиқ жорий этилиб, аввал қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва ҳисоблаш хусусиятлари сақлаб қолинади.

Ижтимоий тенгликни таъминлаш мақсадида 1 январдан солиқ имтиёзлари фақат Солиқ кодекси билан тақдим этилади.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

Солиқлар ва йиғимларнинг сони ҳамда турлари, шунингдек, алоҳида солиқ режимлари мақбуллаштирилди. Жумладан, илгари 13 турдаги солиқ амалда эди, ҳозирда эса улар 9 тани ташкил қилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқларни тўлашни танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Эндиликда улар солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлаш ёки жисмоний шахснинг йиллик даромади тўғрисида декларация асосида тўлаши ҳам мумкин бўлади. Мисол учун, товар айланмаси 100 миллион сўмга етмаган якка тартибдаги тадбиркор 2020 йилда декларация асосида солиқ солиш режимини танлаши мумкин ва фаолияти билан боғлиқ харажатларни чегириш ҳуқуқига эга.

ЭНДИ "МАНФИЙ" ҚОЛДИҚ СУММАСИНИ ТЎЛИҚЛИГИЧА ҚАЙТАРИШ МУМКИН

Ҳар бир давлатда солиқ ислоҳотларини ўтказишда учта асосий жиҳат эътиборга олинади. Булар – солиқ юкини камайтириш, солиққа тортишни соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш. Янги таҳрирдаги кодексда ҳам солиқ юкини камайтиришда қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш тизими ўзгартирилган. Энди қўшилган қиймат солиғи бўйича "манфий" қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш мумкин. Ортиқча ҚҚСни қайтариш нафақат "ноль" ставка бўйича солиқ солинадиган айланмалар учун, балки ҚҚСнинг умумий қоидаларини қўллаш натижасида юзага келган операциялар учун ҳам жорий этилади. Бунда умумбелгиланган тартибда қайтариш муддати 60 кунни ташкил қилади. Мазкур норма 2020 йил 1 июлдан бошлаб амалга оширилади.

Шунингдек, ҳужжатга ҚҚСнинг яхлит занжирини таъминлаш мақсадида бир марталик ҳисобга олиш нормаси киритилди. Авваллари асосий воситалар бўйича ҳисобга олиш тенг улушларда кетма-кет келувчи 12 ой давомида, кўчмас мулк объектлари бўйича эса 36 ой давомида амалга оширилар эди. Энди асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари харид қилинганда (қурилганда) ҚҚС бир йўла ҳисобга олинишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Масалан, аввалги тартибда корхона 600 миллион сўмлик асосий воситани қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда 690 миллион сўмга сотиб олган тақдирда 90 миллион сўмлик ҚҚС суммасини 12 ой давомида тенг улушларда 7,5 миллион сўмдан ҳисобга олар эди. Эндиликда янги киритилаётган тартибга асосан корхона тўланган 90 миллион сўмлик ҚҚС суммасини бир йўла ҳисобга олиши мумкин бўлмоқда. Бу эса корхонага ҳисобга олиш натижасида ҚҚС бўйича юзага келган "манфий" қолдиқ суммасини қайтариб олиш ҳамда маблағларни ўзининг фаолиятини кенгайтириш учун сарфлаш имконини беради.

Шунингдек, бюджет ташкилотларидан бошқа барча тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ 12 фоиз (аввал 25 фоиз эди) миқдорида белгиланди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқ миқдори ўртача 30 фоизга камайтирилди.

Аввал солиқ тўловининг кечиктирилган кунлари учун пеня тўланган бўлса, эндиликда ортиқча ундирилган сумма учун пеня тўланиши белгиланмоқда.

ИККИ ЙИЛЛИК МОРАТОРИЙ ДАВРИ ТУГАДИ

Жорий йилнинг 8 январь куни Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2020 йил 1 апрелга (корхоналар янги солиқ режимига ўрганганига) қадар текшириш ўтказилмаслиги бўйича топшириқ берилди. Аслида мораторий амнистия, яъни афв дегани эмас. Кейинчалик 2018-2019 йилларга оид бухгалтерия ҳужжатлари ҳам текширилиши мумкин. Агар ваколатли органларга тадбиркорлик субъекти устидан шикоят ёки ариза тушиб, маъмурий ёхуд молиявий хатолик аниқланса, ўтиб кетган мораторий даври ҳам ўрганилади. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 88-моддасига кўра, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати, натижаларига кўра солиқ мажбурияти аниқланадиган солиқ даври тугаганидан кейин беш йилни ташкил этади.

ТАҲЛИКА-ТАҲЛИЛ ТИЗИМИ. БУ ҚАНДАЙ ТИЗИМ?

Солиқ органлари томонидан ахборот технологиялари асосида амалга ошириладиган солиқ текширувларининг янгича тартиби жорий этилмоқда. Хўш, бу тизим нимани англатади?

Эндиликда солиқ текширувларини ўтказиш учун номзодлар инсон омилисиз, дастлаб камида 42 та мезон асосида таҳлика-таҳлил (риск-анализ) дастури ёрдамида танланади. Ушбу тизим мустақил равишда ташқи аралашувларсиз, тадбиркорлар фаолиятини таҳлил қилиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфини баҳолаш имконини беради.

Хавфни таҳлил қилиш дастурига асосан амалдаги барча хўжалик юритувчи субъектлар маълум мезонлар асосида автоматик равишда **"яшил"**, **"сариқ"** ва **"қизил"** йўлакларга бўлинади.

Хавф даражаси паст бўлган **"яшил йўлак"**даги корхоналарга солиқ текшируви тайинланмайди, улар билан фақат хизмат кўрсатиш бўйича ҳамкорлик қилинади.

Хавф даражаси ўртача бўлган **"сариқ йўлак"**дагиларга фақат камерал текширув ва ҳисоботдаги хатоликларни тузатиш имкони берилади. Бу тоифадаги солиқ тўловчиларга молиявий ва маъмурий жарима қўлланилмайди.

Хавф даражаси юқори бўлган корхоналар эса **"қизил йўлак"**дан жой олади. Улар фаолиятида солиқ тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерия ҳужжатлари ва ҳисобварақ-фактураларни қалбакилаштириш ҳолатлари аниқланса, сайёр текширув ёки солиқ аудити тайинланади.

ЯШИРИН НАҚД ПУЛ АЙЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ҳисоб-китобни янада шаффоф ҳолга келтириш, яширин нақд пул айланишини қисқартириш ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида жорий йилдан нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказилади.

Мазкур тартиб алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, дори-дармон, дизель ёқилғиси ва табиий газ сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятига 2020 йилнинг 1 январидан жорий этилса, қолган субъектлар учун босқичма-босқич (2020 йил 1 август, 2021 йил 1 январь, 2022 йил 1 январь) татбиқ қилинади.

ЕР ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ТЎЛАШ МУДДАТИ ЎЗГАРДИ

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақланади. Бунда солиқ янги бинолар, жойлар ва иншоотларга мулк ҳуқуқи пайдо бўлган ойдан бошлаб тўланади. Солиқ ставкалари эса 2019 йил даражасида сақлаб қолинди. 2020 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда кадастр қийматидан солиқ суммаси 2019 йил учун ҳисобланган солиқ миқдоридан 30 фоиздан кўпга ошмаслиги керак.

Яна бир янгилик: жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиғи тўлаш муддатлари ўзгарди. Солиқни тўлаш муддати йилига икки марта 15 апрель ва 15 октябргача (2019 йилда фақатгина 1 муддат – 15 октябрь эди) тенг улушларга бўлиб тўланиши белгиланди. Шу билан бирга, солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларга тўловларни тўлаш тўғрисидаги билдиришнома тақдим этиш муддати ҳам ўзгариб, 1 март (2019 йилда 1 май эди) этиб белгиланди.

ФЕРМЕРЛАР ҚҚС ТЎЛАЙДИ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар тасарруфида 50 гектар ва ундан кўп суғориладиган ер майдони бўлганда ҚҚС тўлайди. Фермер хўжаликнинг айланмаси 1 миллиард сўмга етмаса, бу хўжаликлар айланмадан солиқ тўловчи ҳисобланади.

Дарвоқе, энди санъаткорлар ҳам белгиланган тартибда декларация тақдим этади ва шу асосда улардан солиқ ундирилади.

Мухтасар айтганда, бугун миллий солиқ тизимимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, бизнес юритиш шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, тенг рақобат муҳитини яратишга қаратилгани билан эътиборга молиқдир. Бу эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ва мамлакатимизнинг халқаро бизнес доирадаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилади.

Шодиёр АҲМЕДОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

Бир тонна КЎМИР 1,5 миллион сўм, бир тонна ЎТИН 2 миллион сўм

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу гап баҳона бўлиб, таниш-билишлардан уйни қандай иситаётганликларини сўрадим. Шаҳарда яшовчиларнинг кўпчилиги газ плитаси ёки электр печидан фойдаланаётганини айтди. Самарқанднинг эски шаҳар қисмида ва Самарқанд тумани билан чегарадош ҳудудларидаги ҳовлиларда яшовчилар ўтин ва кўмирдан фойдаланишларини, овқат пишириш учун эса суюлтирилган газ берилишини айтишди.

– Қиш аввалида газ етказиб берилмаслигини айтишади ва бунга ўрганиб ҳам қолганмиз, ўтин, кўмир ғамлаб қўямиз, – дейди Самарқанд шаҳар Мўлиён маҳалласида яшовчи Т.Солиев. – Маҳалла томонидан ажратиладиган кўмир олсангиз нархи арзон, лекин сифати унчалик яхши эмас. Шу кеча-кундузда кўчада сотилаётган кўмирнинг бир тоннаси 1 миллион 500 минг сўм. Ўтиннинг ҳам нархи ҳозир осмонда, биз ёз, куз ойларида олиб қўйганмиз.

– Ҳозир катта юк машинадаги ўтинни 2-3 миллион сўмга оласиз-да, – дейди Самарқанд туманида яшовчи А.Жалолов. – Кеча "Газ-24" машинасида ортиб қўйилган ўтиннинг нархини сўрадим. 500 минг сўм деди, чиқса 200-300 кило чиқади-да. Биз-ку ўтин сотиб олмаймиз, ўзимизнинг дарахтларни бутаймиз, қуриганларини кесамиз, кўмир оламиз. Лекин мажбур бўлгандан кейин сотиб оладиганлар ҳам кўп.

Ҳа, ўтин сотиб оладиганлар кўп. Лекин бу ўтинни ким, қаердаги дарахтларни кесиб олиб келди? Бу билан ҳеч бир харидор қизиқмайди. Натижада гарчи 2019 йил 1 ноябрдан дарахтларни кесишга қарши мораторий эълон қилинган бўлса-да, ноқонуний равишда дов-дарахтларни кесиш ҳолатлари учрамоқда.

– Ўтган йил 1 ноябрдан йил якунига қадар 32 та қоидабузарлик, жумладан, мораторий киритилган дарахтларни кесиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланиб, қоидабузарларга жами 35 миллион сўм жарима солинди, – дейди вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси назорат инспекцияси давлат назоратчиси Ш.Инназаров. – Бу йил эса ҳозиргача олтита қоидабузарлик бўйича табиатга 54 миллион сўм зарар етказилгани аниқланиб, жавобгарларга қарийб 7 миллион сўм жарима тайинланди. Гап бу ўринда фақат жаримада эмас, аввало, халқимизнинг экологик маданиятини оширишимиз, табиатга муносабатини ўзгартиришимиз керак. Ҳар дарахтнинг атроф-муҳит мусаффолиги, инсон саломатлигини сақлашда қанчалик аҳамиятли эканлигини англасак, юқоридаги каби ҳолатлар анча камаяди.

"Самарқанд ҳудудгаз" масъулияти чекланган жамияти "Самарқандтумангаз" филиали томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, бугунги кунда тумандаги 72 маҳалланинг 41 тасига табиий газ етказиб берилмоқда. Лекин бу маҳаллаларда ҳам барча хонадонларда табиий газ босими яхши деб бўлмайди. Шу сабабли тумандаги 62 маҳалладаги табиий газ етиб бормаган ҳамда газ босими етарли бўлмаган 29 мингдан ортиқ хонадон эгалари маиший газ баллонларидан фойдаланади.

Ғ.ҲАСАНОВ,
Б.МУСТАНОВ (фото).

Иқтисодий шарҳ

Сифат ёндашуви афзалликлари

у нималарда акс этади?

Фалсафа қонунларидан бири миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтишини англатади. Унинг моҳиятини соддароқ қилиб қуйидагича изоҳлаш мумкин: моддийлик нуқтаи назаридан ҳар қандай фаолиятни амалга оширишни кўп сонли бирликлар бошлайди, кейинчалик улар таркибидан энг самарали фаолият кўрсатаётганлари табиий ҳолда танлаб олинади.

Хўш, ижтимоий-иқтисодий фаолиятда ушбу қонуннинг тамойиллари қандай аҳамиятга эга?

Шу пайтгача Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида иложи борича кўпроқ янги корхоналар очишга устунлик берилди. Аммо статистик маълумотларнинг таҳлили кўрсатишича, янгидан фаолият бошлаган ҳар 100 тадбиркорлик субъектининг 70-80 таси бозор талабларига мослаша олмасдан, ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда. Бунга сабаб бўладиган омиллар турлича, аммо асосийлари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ошиб бориши ва қолган товарларга бўлган талаб қисқаришидан келиб чиқади. Қайси корхона энг замонавий технология ва бошқарув усулини, юқори малакали кадрларни жалб этиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этса, ўша корхона ўз фаолиятини давом эттира олади, бошқача йўл тутганлари эса рақобатга дош бера олмайди.

Бу жараённи макроиқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Табиийки, фаолиятни янгидан бошлаётган корхоналар чекланган иқтисодий ресурсларни ўз томонига ағдаришга киришади. Бу эса оёққа туриб олган корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда ресурслар парчаланиб, энергия ва хомашё таъминотидаги муаммолар кучайиб бораверади, корхонада маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатлар кўпаяди, иш ҳақи қисқаради, малакали ходимлар ишхоналарни тарк эта бошлайди, маҳсулот сифати пасаяди.

Ана энди ҳолат ўзгаради: мураккаблашган шароитдан чиқиш мақсади, жалб этилган кредитларни ўз вақтида қайтариш мажбурияти оёққа туриб олган корхоналарни ҳам, янги корхоналарни ҳам ноқонуний ишлашга ундайди. Бу эса ўз-ўзидан хуфёна иқтисодиёт кўламини кенгайтириш учун яшил чироқ вазифасини бажаради. Бунга янги корхоналарни рўйхатга олиш пайтида таъсисчининг маълумоти, тадбиркорлик соҳасидаги кўникмаларига тегишли аниқ мезонлар ва талаблар йўқлиги қўшимча салбий таъсир кўрсатади.

Шулардан келиб чиқиб кимдир янги таъсис этилаётган корхоналар сони қанча кўп бўлса, аҳоли бандлиги муаммоси шунча самарали ҳал этилади, деб ҳисобласа қаттиқ янглишади. Бунинг исботи сифатида инвестицион оқимлар кўламининг кенгайишига қарамасдан, ЯИМнинг ўсиш суръатлари ва янги иш жойлари ташкил этишда кўзга кўринадиган ўзгаришлар сезилмаётганини келтириш мумкин.

Хўш, тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан туриб, ушбу вазиятни ижобий томонга ўнглаш мумкинми?

Мумкин. Иқтисодий самарадорликка эришиш учун эскича ёндашувдан воз кечиш керак. Бунинг учун камида бир-икки йил фаолият кўрсатиб, ўз мижозларига эга корхоналарни қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган хўжалик механизмини яратиш, жумладан, кредитлаш, солиққа тортиш, моддий таъминот тизимларини ушбу мақсад сари такомиллаштириш лозим. Маълумки, ички бозор торлик қилаётган шароитда самарали натижаларга эришишнинг бирдан-бир йўли экспорт фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришдир. Ўзингиз айтинг, жаҳон бозорларида йирик компаниялар ҳукмронлик қилаётган бир шароитда бизларнинг кичик корхоналаримиз уларни қандай қилиб эгаллаб турган сегментларидан суриб чиқара олади? Хориж мамлакатлари бундан манфаатдор эмас, шунинг учун юқоридаги вазифалар хорижлик экспертларнинг маслаҳати билан ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ўз аксини топмаганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Ягона йўл, бу - ички имкониятларни яна ҳам чуқурроқ ўрганиб чиқиб, муайян даражада оёққа туриб олган, самарали фаолият кўрсатаётган корхоналарга нисбатан эътиборни кучайтириш, ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин ҳаракатланиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, солиқ тўловлари бўйича енгилликлар бериш. Шу орқали бу каби корхоналар филиалларини кўпайтириб, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ёки юқори сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мумкин.

Илҳом ВАФОЕВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Ваъда қилинган уй қачон берилади?

Ёки бир муаммо ортидан 15 оила можароси ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Келинг, бу масалани муҳокама қилмайлик, сабаби, ана шу қиз бугун икки нафар фарзанднинг онаси ва қарийб кўчада қолган. Бугун 30 ёшни қоралаб қўяёзган жувон икки турмушидан ҳам тотувлик топмайди, алдовларга, хиёнатга дуч келади. Натижада фарзандлари билан ҳимояга муҳтож ҳолда бугун ойига 350 минг сўм ижара ҳақи тўлаш шарти билан шаҳардаги коллеж ётоқхоналаридан бирида истиқомат қилмоқда. Ҳозир икки ёшга тўлмаган фарзанди учун ўзи туғилиб ўсган маҳалладан олаётган маблағи унга асқотиб турибди. Аммо кейин-чи?.. Қолаверса, бу ётоқхонада доим яшай олмайди, бу ердан уларни чиқариб юборишлари мумкин.

Вазиятни билиш мақсадида коллежга бориб, Нодира Ҳамдамова билан суҳбатлашдик.

НОДИРАГА УЙ БЕРИЛАДИМИ, ЙЎҚМИ?

- Кўриб турганингиздек, ётоқхонада на газ, на сув бор, - дейди Нодира Ҳамдамова. - Тўғри, электр бор, аммо ундаям узилишлар бўлиб туради. Хонани иситиш учун қўйилган электр печлар тортадиган қувватни кўтаролмай сим, розеткалар куйиб кетади. Ҳожатхона ҳам, сув ҳам пастда. Икки фарзандим ҳам ёш, жуда қийналиб кетдим. Қўл ювишга шароит йўқ. Тўғри, ўзим туғилиб ўсган Самарқанд туманига қарашли Урганжи маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлайдиган мутахассис, маҳалла фаоллари доим аҳволимдан хабар олиб турибди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак бериб туришади. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Алимованинг ўзи ҳам аҳволимни кўриб, вазиятни тушунди. Уй олиш учун ҳужжатларимни тўғрилашимни айтди. Тўғриси, ўшанда бу меҳрибончиликдан бошим осмонга етганди. Наҳотки менинг ҳам ўз уйим бўлса, деб хурсанд бўлгандим. Чунки 2017 йилдан бери уй масаласида Самарқанд туман ҳокимлигига мурожаат қиламан. Бу гапдан кейин ҳужжатларимни олиб, туман хотин-қизлар қўмитасига бордим. Афсуски, ҳужжатларим шу пайтга қадар вилоятга тақдим этилмаган экан. Уларнинг муносабатидан сўнг менга уй бериладими, йўқми, тўғриси, тушунмай қолдим. Ҳозирги аҳволимда, ҳатто йўлкига пулини топиш ҳам мен учун жуда қийинлигини кўплар жуда яхши билишади. Шукур, маҳалладагилар аҳволимни билиб, туман ҳокимлигига бориш харажатларимни ҳам қоплаб беришди. Лекин мен нима қилишим керак, ахир фарзандларим ўз бағримда, касал бўлмай катта бўлишини истайман. Бу шароит эса аллақачон соғлиғимизни издан чиқариб қўймоқда.

Н.Ҳамдамованинг айтишича, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Г.Алимова аёлга уй олиши учун албатта, ёрдам қилишини айтган. Аммо маҳалла фаоллари қўмагида Самарқанд туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитасига ҳужжатларини олиб борганда, улардан бу борада аниқ жавоб эшитмаган. Ростдан, Нодира Ҳамдамовага уй бериладими йўқми? У нега туман мутасаддиларидан аниқ жавоб ололмай юрибди?

Туман хотин-қизлар қўмитаси мутасаддилари билан бу масалада гаплашганимизда «Нодирага уй берилиши керак, ҳужжатларини вилоятга жўнатдик», деб жавоб беришди. Наҳотки шу гапни ўз вақтида мурожаатчига етказиб қўйишнинг иложи бўлмаса? Биргина шу аниқлик учун Нодира Ҳамдамова доимий равишда ўз аҳволидан шикоят қилиб, ариза ёзишга мажбур бўлмоқда. Қишнинг бир куни ҳам жуда узоқ туюлади. Икки ёш бола билан шароити йўқ ётоқхонада яшаётганлар учун эса дақиқалар ҳам санагулик.

Тўғри, Нодира ва у каби ушбу ётоқхонада истиқомат қилувчилар ушбу жойга ҳам вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари билан кўчди. Акс ҳолда ким билсин, уларнинг аҳволи не кечарди?!

ШАРОИТ ЙЎҚ ЁТОҚХОНАДАГИ ОИЛАЛАР

Ётоқхонани кўздан кечирарканмиз, бу ерда худди шу шароитда 15 дан зиёд оила истиқомат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Ҳаммасининг ўз тарихи, дарди бор.

- Отам бизни ташлаб кетган, онам турмуш қилгач, ўгай отам мени сиғдирмади, - дейди Зарина исмли 21 ёшли аёл. – Бу пайти аллақачон бўй етиб қолгандим. Артур билан танишгач, турмуш қуришга қарор қилдим, у ҳам менга ўхшаб кўнгли ярим. Болалиги тарбияси оғир болалар мактаб-интернатида ўтган. Ҳозир икки нафар фарзандимиз бор. Устачилик қилиб пул топади, аммо муқим ишда ишламайди. Темирйўлчилар ётоқхонасида ижара ҳақи тўлаб яшардик, анча арзон ва шароитлари яхшироқ эди. Афсуски, у ерни энди бошқа мақсадда ишлатишаркан, 20 дан зиёд оила вилоят ҳокимлигига мурожаат қилганимиздан сўнг, ушбу ётоқхонани беришди. Бу ерда ижара ҳақи 350 минг сўм, аммо шароит йўқ.

- Биз эса Наманган вилоятидан келганмиз, - дейди яна бир оила бошлиғи Нозимжон Холматов. – Тақдир тақозосига кўра, бир неча йилдан бери Самарқандда яшаймиз. Кўриб турганингиздай, шароитлар ҳаминқадар. Аммо коллеж коменданти бу ердан ҳам барибир чиқасизлар, деб айтиб турибди. Шаҳар бўйлаб ижара квартиралар нархи билан қизиқиб кўрдим. Бир миллион сўмдан ками йўқ. Оддий новвойликдан бундай пулни тополмаслигим аниқ. Буёғига нима қилишга ҳайронман.

Табиийки, коллеж ётоқхонасига тўсатдан олиб келинган бу оилалар коллеж маъмурияти учун ҳам томдан тараша тушгандай ҳодиса бўлди. Комендантнинг фикрига кўра, бу ерда яшовчилардан йиғиладиган пул электр энергияси учун тўланади. Аммо тўловлардан қарздорлик ошиб бормоқда. Сабаби, оилалар хонани иситиш, овқат тайёрлаш учун электр энергияси ишлатишга мажбур. Қарздорлик ошиб кетаверса, электр энергияси узиб қўйилиши эҳтимоли бор.

АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХДАГИ ИЖАРА УЙЛАР ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Хабарингиз бор, кейинги йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга уй берилиши, бу масалада айниқса, ногиронлиги бўлган, кўп фарзандли, якка-ёлғиз аёллар эътиборга олиниши мамлакатимизда аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг узвий бир қисмидир. Уйлар берила бошлагани ҳамоно унга муҳтожлар сони ҳам кескин кўпайиб кетаётганини бу масала билан шуғулланувчи мутасаддилар бот-бот такрорламоқда.

Мисол учун, ўтган йили ижтимоий ҳимояга муҳтож 250 га яқин оилага бошланғич тўлови тўланиб, уй ажратилган эди. Бундан ташқари, жойларда ижтимоий уйлар берилди, қанчадан-қанча оилаларга фақат фойдаланиш ҳуқуқи асосида уйлар ажратилди.

Аммо бугун хотин-қизлар қўмитасида яна мингга яқин шундай оила рўйхатда турибди. Жорий йилги режага асосан яна 240 оилага имтиёзли уйлар берилади. Хўш, қолган 750 оила-чи? Уларнинг навбати қачон келади? Агар ҳар йили рўйхатга қўшилувчилар сони ортадиган бўлса, уларнинг уйга навбати қачон келишини тасаввур қилиш ҳам қийин.

Юқоридаги ётоқхонада, ижарада истиқомат қилувчилар кам таъминланган оила бўлса-да, аммо қўлида ҳунари, баъзиларининг касби бор. Бир миллион сўм ижара пули тўлаш қобилиятига эга бўлмаса-да, ҳар ҳолда 300-400 минг сўм ижара ҳақи беришга ва бунинг учун ҳеч бўлмаганда, биринчи даражадаги шарт-шароитни талаб қилишга ҳақи бор уларнинг. Бундай оилалар кўп. Эҳтимол, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун арзонлаштирилган тарзда ижарага бериш учун мўлжалланган уйлар қурилиши лозимдир. Ахир бутун дунёда уй сотиб олиш катта харажат сарф этиладиган харидлардан биридир. Юқорида кам таъминланганлар учун бериладиган уйлар ҳақида гап кетганда, гарчи унинг бошланғич тўлови хотин-қизлар қўмитаси фондидан тўлаб берилса-да, кейинги тўлови ўша оила аъзоларининг ўзлари томонидан амалга оширилишидан кўпчилик яхши хабардор бўлса керак. Рўйхатда турган кишилар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг бу тўловга қобилияти йўқлиги маълум бўлади. Хўш, унда бу уйлар ҳақиқий кам таъминланган, якка-ёлғиз инсонларга насиб этишига қандай ишонса бўлади?

Умуман, бу масалада арзонлаштирилган нархдаги ижара уйларни қуриш вақти келди, назаримда. Айни пайтда вилоятда бундай уйлар йўқлиги ҳам бу масала ўрганишга ва амалиётга татбиқ этилишига муҳтож.

Гулруҳ МЎМИНОВА,
«Зарафшон» мухбири.

«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти Самарқанд филиали томонидан «Филиалларда пул маблағларининг камомади ва ўзлаштириш ҳолатлари келиб чиқишининг олдини олиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда 2017-2019 йилларда филиал кесимидаги почта алоқа боғламаларида аниқланган ўғирлик ва камомадлар, ушбу камомадларга йўл қўйган алоқа ходимларига нисбатан берилган интизомий чоралар ҳамда ҳозирги кунга қадар аниқланган камомадларнинг ундирилиши юзасидан маълумот берилди.

Почта орқали пул юборилганда

қандай камчиликлар аниқланмоқда?

Жумладан, 2011-2019 йилларда бўлим филиалларида 4 миллиард 360 миллион 756 минг сўм ўзлаштирилган, шундан 1 миллиард 85 миллион 298 минг сўм пул маблағлари ундирилди. Қолган пул маблағларини ундириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

- Почта алоқа объектларида пул ўтказмаларини қабул қилиш, тўлаш, ҳисоботини олиб бориш, журналга расмийлаштириш ва сақланиш ҳолатлари, ички назорат қоидалари талабларининг бажарилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда айрим камчиликлар аниқланди, - дейди «Ўзбекистон почтаси» АЖ Самарқанд филиали Почта хавфсизлиги хизмати бўлими бошлиғи Зулфия Субҳонова. – 2196 нафар фуқаронинг пул ўтказмаларидаги ҳолатни назорат қилганимизда аксарият фуқаролар тўлиқ манзилни ёзмаслиги, паспорт маълумотларининг батафсил эмаслиги, фуқароларнинг ўзи келаётган пул ўтказмаларидан бехабарлиги маълум бўлди.

Шунингдек, семинарда коррупцияга қарши курашиш, ислом динида омонатга хиёнат қилишнинг кескин қораланиши, корхона ва идора ходимлари томонидан камомад ва ўзлаштиришларга йўл қўйилиши натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ҳақида ҳам маърузалар тингланди.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбоп / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(№ 2020-01)

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 16 январь;

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: Газетада эълон чоп этилган санадан бошлаб, 30 кундан сўнг;

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари:

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

- тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

- «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

- тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ ўтказилади.

- тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига (Манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 2-"Д" корпус. Телефон: 66-233-50-76, факс: 66-231-13-51) мурожаат қилишлари мумкин.

- тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: "_____вилояти, _____тумани, _____ массивидаги, _____ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман." шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари лозим.

- тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб, барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчисининг – Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг ҳисоб рақамига (АТБ «Алоқа банк» Самарқанд филиалидаги ҳисоб рақами: 20210000803783329001, СТИР: 202427054, МФО: 00985) ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган тўлов миқдори БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори) га тенг.

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

- юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказига;

- таклифларни тақдим этишнинг сўнггги муддатигача;

- шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача;

- тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифлари очилиши - таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилот вакиллари иштирокида **Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида** (Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1. Телефон, факс: 66-233-25-93) ўтказилади:

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг Самарқанд вилоят ҳудудий филиалига мурожаат этишингиз мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй (квартира) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси: ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м.куб	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м.куб	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м.кв.
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	400	700	1500
Беш қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Шартнома (лот)лар рўйхати

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сони	Тўрт қаватли 2, 3 хонали уйлар			Беш қаватли 2, 3 хонали уйлар			Таклифларни топширишнинг охирги муддати
				Сони	Квартира	Уй рақами	Сони	Квартира	Уй рақами	
	Самарқанд вилояти		**384**	**16**	**384**					
89	Паст Дарғом	Гўзалкент	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 11:00
90	Паст Дарғом	Гўзалкент	24	1	24	2				2020 йил 17 февраль 11:00
91	Нуробод	Наврўз	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 11:00
92	Булунғур	Меҳнатобод	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 11:00
93	Нарпай	Нарпай	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 11:30
94	Нарпай	Нарпай	24	1	24	2				2020 йил 17 февраль 11:30
95	Иштихон	Шейхларкент	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 11:30
96	Иштихон	Шейхларкент	24	1	24	2				2020 йил 17 февраль 11:30
97	Каттақўрғон	О.Маҳмудов	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 12:00
98	Каттақўрғон	Мадраса	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 12:00
99	Қўшработ	Булоқбоши	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 12:00
100	Пайариқ	Янгиҳаёт	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 12:30
101	Пайариқ	Янгиҳаёт	24	1	24	2				2020 йил 17 февраль 12:30
102	Пайариқ	Янгиҳаёт	24	1	24	3				2020 йил 17 февраль 12:30
103	Жомбой	Каттақишлоқ	24	1	24	1				2020 йил 17 февраль 14:00
104	Жомбой	Каттақишлоқ	24	1	24	2				2020 йил 17 февраль 14:00

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Жомбой туманидаги «MUXAMMAD DORISHUNOS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301055706) ўз устав фондини камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Жомбой тумани Эски Жомбой МФЙ.

* * *

Жомбой туман давлат нотариал идорасида марҳум Курбанбаев Салим Ураловичга (2017 йил 30 июнда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жомбой туман давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси.

* * *

Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Алиева Апокга (2019 йил 13 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.

* * *

Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида марҳум Бозоров Маматкулга (2019 йил 23 февралда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Самарқанд шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

* * *

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут туманидаги «PARDAEV YUNUS XURHID DALASI» фермер хўжалигининг (СТИР: 304069764) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туман ҳокимиятининг 2017 йил 7 декабрда Худойкулов Ҳақберди (марҳум) номига Самарқанд тумани Ипакчи маҳалласида жойлашган уй-жой учун чиқарилган 2783-Қ сонли қарорнинг асл нусхаси ва шу уйнинг Самарқанд туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат корхонасидан 2017 йил 27 декабрда берилган 7 рақамли кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказидан 2008 йилда Уралов Жамшид Бекпулатович номига берилган рўйхат рақами 195811, QT № 004187 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Хасанова Норгул Хасановна номига берилган U № 0551550 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети психология ва ижтимоий фанлар факультети психология кафедраси жамоаси кафедра мудири Мушарраф Салоҳиддиновага онаси **Ҳусния ая САЛОҲИДДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда барча тармоқ касаба уюшма кенгашларининг жамоалари вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ходими Зарина Амриддиновага отаси **Фарҳод АМРИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ахборот хизмати ходимлари

талаб даражасида фаолият юритяптими?

Вилоят Матбуот уйида вилоят ҳокимлиги, ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Ахборот хизматлари фаолиятида видеоматериаллардан фойдаланиш тажрибаси ва босма нашрлар билан ҳамкорлик" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда тажрибали журналистлар ва соҳа мутахассислари томонидан ахборот хизмати ходимининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлиги, пресс-релиз, видеоматериаллар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш амалиёти бўйича маҳорат дарслари ташкил этилди.

- Ҳудудларда ахборот хизматларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида соҳа вакилларининг малака ва салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Манноб Ибодуллаев. - Айни пайтда барча туман ва шаҳарлар ҳокимликларида, 35 та давлат ва хўжалик бошқарув органларида ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилган. Бугунги ўқув-семинардан мақсад ахборот хизмати ходимларини соҳадаги янгиликлар билан таништириш, бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш, аҳолига етказилаётган ҳар бир хабар, ахборотни таҳлил қилган, қиёслаган ва мавзуга чуқур ёндашган ҳолда етказилишини таъминлашдан иборат.

Ўқув-семинарда соҳага доир қонунчилик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот ишининг ўзига хос жиҳатлари, ахборот хизматларининг асосий мақсад ва вазифалари, ижтимоий тармоқлар билан ишлаш кўникмаси, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тарқалган воқеа-ҳодиса ёки хабарларга муносабат билдириш ҳамда бошқа бир қатор муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбир якунида давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарларига гувоҳнома топширилди.

Роҳила ОЧИЛОВА.

Самарқандлик спортчилар

2019 йилда 3604 та медални қўлга киритди

Спорт – соғлом турмуш тарзи асоси, мамлакатни дунёга танитувчи восита. Қайсики юртда спорт кенг оммалашган бўлса, ўша мамлакатнинг аҳолиси ҳар томонлама соғлом ва баркамол, спортчилари эса жаҳонда тенгсиз бўлади.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида амалга оширилаётган беш муҳим ташаббус доирасида 2019 йилда вилоятимизда спортни оммалаштириш мақсадида 1434 та спорт тадбирлари ўтказилиб, уларда 280 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олишга эришдик. Мазкур йўналишда Самарқанд шаҳар, Оқдарё ва Пахтачи туманларининг ҳар биридан тўрттадан маҳалла танлаб олиниб, тажриба лойиҳалари амалга оширилди.

Бугунги кунда вилоятимизда 2 та олимпия захиралари мактаб-интернати, 4 та ихтисослаштирилган спорт мактаби, 1 та эшкак эшиш спорт мактаби, 21 та спорт мактаби, 1 та футбол академияси ва 1 та "Динамо" профессионал футбол клуби футбол мактаби фаолият юритмоқда.

Юқори малакали спорт мураббийлари ва спортчилар тайёрлаш мақсадида 2019 йилда вилоятда Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Самарқанд филиали ташкил этилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги Қуйи Хўжасоат маҳалласида ҳафтанинг шанба кунлари самбо, стол тенниси, мини футбол бўйича спорт мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилди. Нурафшон маҳалласидаги футбол ўйингоҳи маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 миллиард сўм маблағ эвазига капитал таъмирланди. 12 миллион сўм эвазига 15 турдаги спорт жиҳозлари олиб берилди. Оқдарё туманидаги Кумушкент маҳалласида кураш, волейбол, қўл жанги, Бозоржой маҳалласида футбол, Янгиқўрғонда футбол, каратэ, бадиий гимнастика, Авазали маҳалласида стол тенниси, баскетбол турлари бўйича спорт тўгараклари ташкил этилиб, машғулотлар олиб борилмоқда. Пахтачи туманидаги Истиқлол маҳалласининг футбол ўйингоҳи эса 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, капитал таъмирланмоқда. қўйилмоқда.

Вилоятда спортни ривожлантириш, спорт федерацияларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор натижасида спортчиларимиз 2019 йилда республика ва халқаро мусобақаларда 3604 та медални қўлга киритди. Хусусан, Ўзбекистон чемпионати ва биринчиликларида 1070 та олтин, 964 та кумуш, 1125 та бронза, шунингдек, ўтган йилги Осиё чемпионати ва кубоги мусобақаларида 72 та олтин, 38 та кумуш, 56 та бронза, жаҳон биринчилиги ҳамда халқаро турнирларда эса 86 та олтин, 99 та кумуш ва 94 та бронза медалига эга чиқди.

Хусусан, 2019 йил 21-24 апрель кунлари Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Руслан Қурбонов уч хатлаб сакрашда биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, 7-11 ноябрь кунлари Жанубий Кореянинг Чонжу шаҳрида самбо бўйича жаҳон чемпионатида Давлатжон Ҳамроев олтин медаль билан тақдирланди. 2019 йил 12-15 сентябрь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳри мезбонлик қилган самбо бўйича Осиё чемпионатида самарқандлик беш нафар спортчи биринчи, икки нафар спортчи иккинчи ўринни эгаллагани ҳам вилоятимиз спортчиларининг иқтидор ва салоҳияти анча юқорилигидан далолат беради.

Айни пайтда самарқандлик спортчилар

> **2019 йилда СПОРТЧИЛАРИМИЗ**
> **жаҳон биринчилиги ҳамда халқаро турнирларда**
> **86** та олтин | **99** та кумуш | **94** та бронза
> **медални қўлга киритди**

Шу туманнинг Шамси Назар маҳалласида жойлашган туман болалар-ўсмирлар спорт мактабини жорий таъмирлаш ва спорт жиҳозлари харид қилиш учун 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу ишлар аҳоли, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар орасидан умидли спортчиларни кашф этиш имконини бераётгани учун 2020 йилда ушбу йўналишдаги фаолиятни янада кенгайтирмоқчимиз. Вилоятимизнинг барча маҳаллаларида беш ташаббус доирасида оммавий спортни ривожлантириш мақсадида спорт тўгараклари фаолияти йўлга бу йил Японияннинг Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпиада ва XVI Паралимпия ўйинлари йўлланмаси учун қизғин кураш олиб бормоқда. Асосий номзод сифатида танлаб олинган 33 нафар спортчи енгил атлетика, дзюдо, бокс, эшкак эшиш, юнонрум кураши, бадиий гимнастика, камондан отиш ва паралимпия (парадзюдо, таэквондо ВТФ) бўйича халқаро спорт мусобақалари ҳамда ўқув йиғинларида иштирок этмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи.

Тўйлар ҳақида ўйлар

Туман ва шаҳарларда тўй ўтказувчи корхоналар нечта?

Халқимизда нима кўп, тўй-маърака, маросим кўп. Бугунги кунда бундай тадбирларнинг деярли ҳеч бири ҳовли-жойларда ўтказилмаяпти.

Бундан ташқари, оилавий маросим ва тантаналарни дабдабали ўтказиш тобора авж олиб бормоқда. Шу боис, Олий Мажлис палаталари қўшма қарор қабул қилиб, тўйхоналар эгаларига алоҳида масъулият юклади.

Умуман, тўйхоналар жойлашув ўрнига қараб, айланма маблағидан солиқ тўлайди. Яъни амалдаги тартибга кўра, аҳоли сони 100 минг ва ундан кўп бўлган шаҳарлардаги тўйхоналар 8, бошқа аҳоли пунктларидаги тўйхоналар 6, бориш қийин бўлган ва тоғли туманлардаги тўйхоналар эса 4 фоиз даромад солиғи тўлайди.

Аслида умумий овқатланиш корхонаси ҳисобланувчи тўйхоналарнинг 232 таси вилоятимиз солиқ идораларида рўйхатдан ўтган. Вилоят давлат солиқ бошқармасидан олинган рўйхатга кўра, энг кўп - 32 та тўйхона Ургут туманида жойлашган бўлиб, бу Самарқанд шаҳридагидан ҳам 2 та кўп.

Бошқа ҳудудларда рўйхатга олинган тўйхоналар 20 тага ҳам етмайди. Масалан, Пайариқ, Паст Дарғом ва Каттақўрғон туманларида 16 тадан, Самарқанд, Оқдарё, Нарпай туманларида 15 тадан ва Иштихон туманида 14 та тўйхона мавжуд.

Пахтачи ва Булунғур туманида 12 тадан, Тойлоқ туманида 11 та, Каттақўрғон шаҳрида 10 та тўйхона умумий овқатланиш корхонаси сифатида солиқ тўловчилар рўйхатига олинган. Вилоятда энг кам тўйхона Қўшработ туманида қайд этилган – 4 та, жомбойликларга эса 6 та, нуроботликларга 8 та тўйхона хизмат кўрсатар экан.

2019 йил мобайнида вилоятда тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (тўй, юбилей, туғилган кун) фаолият тури билан шуғулланиш учун 20 та якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтган.

Ё.ГАДОЕВ.

Яхши ниятга нима етсин

афсуски, буни ҳазм қилмаётганлар ҳам бор

Вилоят маҳаллалар кенгаши тўй ва маросимлар, оилавий тантаналар ўтказилишини назорат қилиш бўйича штабидан олинган маълумотга кўра, шу йилнинг 6-13 январь кунлари Самарқанд шаҳрида 7 та, Каттақўрғон шаҳрида 6 та, Булунғур туманида 6 та, Жомбой туманида 34 та, Нарпай туманида 10 та, Ургут туманида 12 та, Самарқанд туманида 8 та намунавий тўйлар бўлиб ўтди. Тўйлар низом талабларидан келиб чиқиб ўтказилган ҳамда 150-200 нафаргача меҳмон иштирок этган. Барча тўйларни ўтказиш бўйича ижара шартномалари ва далолатномалар тузилган.

- Бундан олдинги никоҳ тўйларни кўриб, одамнинг капалаги учиб кетар эди, - дейди Нарпай туманидаги Хўжакарзон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элмурод Рўзиев. – Қатор-қатор автоуловлар, ёшларнинг беўхшов қилиқлари барчанинг ғашига тегарди. Тўйларимизни ихчам, камчиқим қилиб ўтказсак ҳам бўлар экан. Самад Ўрозов ўтказган никоҳ тўйи намунали тўйлардан бири бўлди. Келин-куёв 3 та автомашинада келди. Тўйда 250 киши иштирок этди. Бир гуруҳ санъаткор, бир нафар суратчи хизмат қилди.

Тўйларни камчиқим, исрофгарчиликсиз ўтказишни маъқул кўрадиганлар тобора кўпаймоқда. Улар бу янгиликни хайрихоҳлик билан қабул қилмоқдалар.

- Илгари тўй деса юрагимизга оғриқ кирарди, - дейди Жомбой туманидаги Сарой маҳалласида истиқомат қилувчи Саримсоқ Йўлдошев. – Бир кунлик тўй учун емай-ичмай, киймай, болаларнинг ризқини қийиб бўлса-да, йиллаб тайёргарлик кўриларди. Бунга ўрганиб қолган эдик. Яқинда ўғлимни уйлантирдим. Олдин камида 600-700 кишини чорлаб, едириб-ичиришга тўғри келарди. Тўйга 250 нафар меҳмонни таклиф қилдик, бинойидек ўтди. Ҳеч ким хафа ҳам бўлган эмас. Шу пайтгача ўзимизни ўзимиз қийнаб юрганимизга афсусланиб кетдим.

Афсуски, тўй ва маросимларни ихчам, намунали ўтказишни ҳазм қилолмаётган тўйчилар ҳам, ресторан ва кафе соҳиблари ҳам учрамоқда. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек, айрим шахслар қоидани менсимасдан тўйларини уч-тўрт жойда бўлиб-бўлиб ўтказмоқчи эканликларини айтаётган бўлса, айрим базмхоналар эгалари хизмат ҳақини икки баравар ошириб кўрсатишга уринмоқда. Бироқ бунинг ҳам вақти келиб ҳисоб-китоби, қолаверса, уволи борлигини унутмаслик керак.

Адҳам ҲАЙИТОВ.

Концерт бизни тарбиялайди

Ушбу мақолани ёзганимга бир йилча бўлиб қолди. Аввалига «Домла концертга кирмаганига анча бўпти-да», деган иддаодан истиҳола қилдим. Кейинчалик эса энди кечикди, деб ўйладим. Фақат бир ҳамкасбимнинг «Бу кечикадиган мавзу эмас», деган далдасидан сўнг уни «Зарафшон»га йўллаяпман.

Ўтган йил апрель ойида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Қайтаров вилоят мусиқали драма театрида «Онамга ўхша, қизим» деб номланган концертини намойиш этди. Тадбирга оила аъзоларимиз билан келдик ва катта таассуротлар билан қайтдик.

Очиғи, аввало, томошабинларнинг байрамона либосда, яхши кайфиятда келиши, ҳар бир ашулани диққат ва мароқ билан тинглашлари ҳавасимни келтирди. Олқишлар ҳам ўз ўрнида. Бундай давралар нафақат ёшлар, ҳатто катталаларга ҳам кўп нарсани ўргатади.

Концерт дастури оқилона тузилган: мақом, миллий ашулалар кетма-кетлиги жонли ижрода руҳингизга ҳаловат бағишлайди. Эркин Қайтаров ўғлининг дебют қўшиғи, шоир Ф.Тошевнинг ҳароратли шеъри даврага кайфият бағишлади.

Саҳнага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев таклиф этилди.

- Мен Эркин ака билан бир курсда ўқиганман, - деди хоманда. – Гарчи бўйи кичик бўлса-да, у кишини устоз сифатида ҳурмат қиламан.

Ғ.Бойтоев «Азиз одамлар» номли ашуласини айтгач, давра олқишга тўлиб кетди, зал яна қўшиқ талаб қилди. Шунда хоманда «Концерт Эркин акамники, мен сизлар қатори меҳмонман, бугун у кишини биргаликда тинглаймиз», деб жойига бориб ўтирди. Бу ҳурмат ва маданият тўпланганларга сабоқ бўлди.

Концертга Фарғонадан филология фанлари номзоди, таниқли хоманда ва бастакор Назиржон Назаров ҳам келган экан. Домла Самарқанд маърифати, Эркин Қайтаровнинг ижоди ҳақида шу қадар самимий фикрлар билдирдики, зиёли меҳмон ўтирганларга самимият, лутф ва оқибатдан дарс берди, десам, ишонаверинг. Назиржон ака Чархий шеърига ўзи басталаган «Аста қиёлаб ўтди» ашуласини айтганда кўнгиллар сел бўлиб кетди.

- Бу менинг энг яқин укам, шогирдим Эркинжонга табригим эди, - деди 81 ёшли хоманда. – Мен бугун унинг мухлислар олдида жўшиб куйлашини кўргани келганман.

Дарҳақиқат, Н.Назаровни халқимиз адабиётчи олимгина эмас, «Дерман», «Дилнавоз», «Донолигини айтай», «Эй, сабо», «Жонон, кўриб жамолинг», «Ўйнаганда», «Ой жамолим» каби ашулалари орқали ўша даврнинг ўз овозига эга бўлган хонандаси сифатида ҳам яхши билади. Кекса ижодкорнинг ҳафсала билан Самарқандга келиши ва ўта маданиятли суҳбати бизга чинакам сабоқ бўлди. Дарвоқе, Эркинжонда ҳам бу инсон ижро услубининг қочиримлари, нолалари ва фазилатлари инъикосини кўргандек бўлдим.

Концерт тугагандан кейин ҳам ҳеч ким залдан шошилиб чиқиб кетмади, тўпланганлар санъаткорларни жонли ижро учун узоқ вақт олқишладилар.

Мен эса бундай давраларга одамларда, қолаверса, ўзимда, оила аъзоларимда ҳам катта эҳтиёж борлигини сездим.

Эгамберди ИМОМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

© МУАССИСЛАР: *халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги*

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 14 135 нусхада чоп этилди. Буюртма 44

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Ҳажми 3 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.

МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи: Н.ЖОНТЎРАЕВА.
Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотувда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X
9 772010 667009